

ҲАЁТ ИЛДИЗИ

Жабборова Ойша Искандаровна
Бухоро давлат тиббиёт институти

Аннотация: Ушбу мақолада ҳаёт илдиз яъни Женъшеннинг хусусиятлари турлари ва шифобашс усууллари ҳакида сўз юритилган.

Калит сўзлари: ҳаёт илдизи, Женъшен, ўсимлик, Ўрта Осиё, илдиз шарбати, турлари, илдиз.

Кадимда «Шаркий Манчжуриянинг» тепаликлари орасида утиб булмайдиган калин урмонлар ичида бир бирининг ашаддий еви булган икки уруг: Си Лянь ва Лянь Серл уруглари яшаганлиги айтилган. Булардан биринчисининг бошланиши бутун хайвонлар ва урмонларнинг кудратли ва адолатли щохи йулбарсга, иккинчиси эса йирткич ва маккор силовсинга этиб борар экан. Агар бир вактнинг узида ургуларнинг хар иккаласида биттадан угил фарзанд дунега келмаганида бу евузлик качонгача давом этиб нима билан тугаши хеч кимга маълум булмай коларди.

Шундай килиб сулх тузилган ват инч ва осойишта хаёт бошланган.

Болалар бир бири билан ахил ва инок, доим бирга уйнаб, бирга кун кечириб юришаркан.

Си Лянь ургининг угли Женъшень паст буйли , йугон, кучли, довюрак ва химматли йигит булган. Унинг комати уз номига яраша («Женъшень» - «одам - илдиз») худди ерга епишган дан куринар экан.

Лянь Серл ургининг угли Сон Ши –xo эса гузал, басавлат лекин худбин, шухратпаст ва амалпаст экан. Ургунинг катта - кичиклари бу нуксонларни куришса хам уни осонгина кечиришаркан.

Кунларнинг бирида уларнинг диерига баҳайбат бир маҳлук – Сарик аждархо хужум килиб колганида, хамма бир жону бир тан булиб унга карши курашган вактида факат Сон Ши-xo гина уз халкига хиенаткор булиб душман томонга утиб кетибди

Узок ва шиддатли уруш булди. Ё улиш, ё галаба козонишга катъий карор килган Женъшень каттик жаннг килган. Умрида маглубият нималигини билмаган Сарик аждар улдирилди. Огир яраланганд соткин Сон Ши-xo улдирилмасликни илтижо килиб голибнинг ойоклари остида йиглар эди. Галабадан севинган Женъшень курол-ярокларни ерга улоқтириб, кувонч билан тантана килаётган ватандошларига угирилди. Бундан фойдаланган разил Сон Ши-xo охирги кучини йигиб, голибга хамла килди, уни оркасидан найза уриб улдириди.

Кахрамон бир тепанинг устига кумилди. Айрилиқдан гам гуссага тулган халк уйига кайтар экан, Женъшень улдирилган ердан шу қунгача хеч кимга маълум булмаган ажойиб бир ут усиб чикканини курди. Кабила бошлиги манашу кукат олдида тиз чукиб, «бу усимлик бизни халос этган кишининг конидан кукариб чиккан, у Женъшеннинг шухратли номи билан аталсин», - деди.

Шундан кейин инсонларни хамма дардлардан халос килувчи усимлик Женъшеннинг шухрати оламга таркала бошлади.

Бу ажойиб усимлик хакида яратилган афсоналарнинг яна бирида, учинчи шахс – гузал Ляо хам катнашади. Акаси Женъшеннинг асири булган хунхуз карокчиларнинг бошлиги Сон Ши-хони севиб колган Ляо, уни яширинча бушатиб, у билан бирга уйдан кочади. Бундан хабар топган Женъшень Сон Ши-хони кувиб етиб унга, килич уради ва ерга агдаради. Акасидан куркиб чангаль остида яширинган Ляо севгилисининг яраланиб йикилганини кургач додлаб юборади. Синглисининг овозини эшитган Женъшень овоз келган томонга огирилиб караган вактда, охирги кучини туплаб урнидан турган Сон Ши-хо Женъшеннинг оркасига найза санчади. Уларнинг иккаласи хам халок булади. Бир вактда хам акасидан, хам севгилисидан айрилган Ляо аччик-аччик йиглайди. Унинг куз ёшлари тукилган ерлардан Женъшен усимлигининг биринчи туплари униб чикади.

Женъжень хакида Хитой халки яна куп афсоналар яратган. Булардан бирида яна шундай хикоя килинади : Женъшень усимлиги одамлар кулига тушиб колмаслик учун жуда куп айнан узига ухшаш кийофадош усимликларни туккан эмиш. Буларни Хитойлар «панцуй» дейишади.

Панцуйлар канча катта булсалар ва уларнинг илдизлари канча купрок одамга ухшаса , улар хакикий Женъшенга шунча якинрок булар эмишлар. Афсонада таъкидланишича, панцуйлар канчалик хакикий Женъшенга якинрок булсалар, шунча куп шифобахш қучга эга буладилар. Албатта, бундай илдизнинг нархи хам жуда киммат булади. Бундан ташкари Женъшень истаган вактида одам, хар кандай күш ва хайвон шаклига кириши ва хатто тошга айланиб колиши хам мумкин. Шунинг учун бу усимликни топиш жуда кийин.

Женъшень хакидаги бу афсоналарни машхур рус олими ва ёзувчиси Владимир Клавдиевич Арсеньев Узок Шаркда эшитган эди.

Кадим замонлардан бери кишилар орасида Женъшеннинг хаётбахш кучига булган ишончнинг канчалик катта ахамиятга эга эканлигига, унга берилган хаёт мульжизаси, илхий ут, хайотнинг илдизи каби номлар гувохлик бера олади.

Бундан 4000 йил мукаддам женъшень шарк халк медицинасида жуда мухим уринни эгаллаган эди. Хитой табиблари уни турли – туман хасталикларни даволовчи дори, кексаларни ёшартирувчи элексир сифатида ишлатганлар. Кадимги фармакопия китобларидан бирида «Илдиз шарбати хатто улим олдидан

бехуш ётган кишига ичирилганда хам бу ажойиб усимлик узиниг шифобаҳш таъсирини жуда тез курсата олади», деб ёзилган.

Женъшеннинг бу хусусиятлари Хитойда жуда ажойиб усуллар билан аникланган. XI асрда яшаган Хитой врачи Су Сунанинг хикоясича, баробар жисмоний кувватга эга булган икки йигитнинг бирига текширилаётган женъшень илдизидан бир булакни тишлатиб, Зё ёки 5 км га чоптирилган. Агарда илдиз тишлаган чопкир мэррага бемалол хансирмай етиб келсаю, иккинчиси ёлда чарчаб, халлослаб колса, шундагина ба-обруй табиблардан ташкил топган маҳсус комиссия, текширилаётган илдизнинг киммати хакида хулоса чиқарган.

Женъшеннинг Тибет медицинасида хам ахамияти катта булган. Уни табиблик билан шугулланувчи, Тибетнинг мартабали уламолари- Ламалар уз кулларида саклаганлар. X аср бошларида Урта Осиёликлар хам женъшень тугрисида яхши билганлар. Буйук Абу Али ибн Сино уз китобида у хакида муфассал ёзади. Хозирги давргача женъшень хакида ёзилган асарларнинг сони 1500дан ошиб кетти.

Женъшеннинг одатдан ташкари шухрати оддий халкга жуда кимматга тушди. У купгина азоб укубатларга ва фожияларга сабаб булди. Женъшень учун кишилар жиноят килишдан ва хатта одам улдиришдан хам кайтмадилар. Баъзан у халк бошига катта талофат келтирган урушларнинг келиб чикишига сабабчи булди. Женъшенини кидириш ва йиғишиш ишларининг бутунлайича Хитой аристократияси кулига утиб колиши, албатта, бежиз эмас. 1709-йили император Кань-Хи женъшенини кидириш ва йиғишиш ишларини уз назорати остига олиб, бунда жуда катъий тартиб жорий килди.

Императордан ижозат олган кишиларни амалдорлар ва сокчилар урмон чегарасигача кузатиб, уларга женъшень йиғишиш учун майдон ва вакт тайинлаб, шунга яраша овкат бериб, тайгага куйиб йуборарди. Тайгадан кайтишда эса, тайинланган ерда кутиб, уларнинг хар бирини синчиклаб текширар, йигилган женъшенининг хаммасини битта колдирмай санаб оларди. Шундан кейингина уларга хокон саройига бориб, топширилган маҳсулот эвазига хак олишга рухсат бериларди. Хар бир женъшен йигувчи буйук Хитой деворидан шахар ичига утища туплаган женъшенига караб бож туларди. Купинча женъшень йиғишиш тартибининг озгина бузилиши хам хак туламасликка сабаб буларди. Женъшень йиғишиш вактида уз чегарасидан ташкарига чикиш, тайинланган вактда кайтиб келмаслик, саройга боришида курсатилган йулдан юрмаслик кабилар тартибни бузиш хисобланарди. Кабул килинган женъшень император ихтиёрига утар у эса энг яхшиларини узига олиб, колганларини вазиру-вузароларга ва бой аптека эгаларига сотарди. Оддий халк учун женъшенинга етишиш факат орзугина булиб колар эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида женъшень асосан Уссурий улкасидан

йигиларди. Бу улкага дастлабки йилларда Хитойликлар шифобахш илдизни йигиш учун утишар эди. Хар йили 30000 дан ортиқрок киши тайгага бориб 36 кг келадиган 4000 га якин илдиз терар эди. Тажрибали кидирудчи ишга киришишдан олдин илдизнинг тузилиши хакида тасаввурга эга булади, чунки усимлик поясининг куринишига ва баргларининг сонига караб илдизнинг кандай эканлигини айтиб беради. Купинча женьшенда уч – турт дона барг булади. Унда – буюнда беш – олти барглилари хам учраб туради. Лекин хар бир кидирудчи етти баргли женьшенни топишни орзу килади. Илдиздаги хар бир буртма ва хар бир чукурча, унинг сиртидагибарча ажинлар теримчининг диккат марказида туради. Айникса, уни илдизнинг шакли кизиктиради, чунки женьшенга кандай баҳо тайинлашни унинг формаси хал килади. Купдан бери женьшиннинг хали хам сабаби аникланмаган узига хос биологик хусусиятга эга эканлиги маълум. Агар унинг пояси шамол, хайвонлар томонидан еки бошка сабабларга биноан синдирилса, илдизи узок муддат уйкуга киради. Илдизнинг уйкуси 20 йил ва ундан хам купрок давом этиши мумкин, сунг шароит кулаги булганида ундан янги поя ва барглар усив чикади – нормал хаёт бошланади.

Женьшеннинг шифобахш хусусиятлари жуда куп. Масалан Женьшень хар кандай дармонсизликни, жисмоний ва руҳий хоргинликни тутатади, балгам ажралиши ва йигилишини йукотади, кайт килишни тухтатади, ошкозонни мустахкамлайди, иштахани очади ва овкат хазм килишга ердам беради, упка ва юрак фаолиятини яхшилайди, хансирашни камайтиради, организмнинг руҳий ва жисмоний кобилиятини оширади, кайфиятини чог килади, кон лимфасини купайтиради, иссикда пайдо буладиган бош айланишни йукотади, заифлашган кузни тузатади ва умуман кариган организмга куч ва кувват багишлади.

Кумуш идишларда тайерланадиган булса бу дори айрим холлардан мустасно, деярли хар кандай хасталикларда хам безарар ва ута фойдали таъсир курсатади, доим шифобахшлигини намоен килади.

Хозирги пайтда женьшеннинг 3 тури маълум ;

1. Оддий женьшень- панакс гинзенг – Хитойнинг шарки шимолида, Кореяда, Японияда ва Уссурий урмонларида усади.

2. Америка женьшени – панакс куинкуефолиум – Канада ва АҚШ нинг шимолий кисмида усади.

3. Сохта женьшень – панакс псеудо – гинзенг – Шимолий Хиндистон, Непал, Хинди – Хитой, Таиланд ва Хитойнинг гарби – жанубида усади.

Буларнинг ичида энг кимматлиси оддий женьшень хисобланади.

Женьшень кимевий таркибида панакс – сапонин ва панаквилон гликозидлари, эфир мойи – панацен, панакс кислотаси, фитостерин, слизлар, смолалар хамда В 1 ва В 2 витаминалари борлиги аникланди. Хамда женьшеннинг куп дардларга даво эканлиги яна тулик исботланди.

Женъшен илдизидан тайерланган кукун (порошок), дамлама (настойка) ва суюк экстраклар асосан умрни узайтириш, дармон киргизиш, таносил безларининг фаолиятини ошириш учун ишлатилади. Бундан ташкари у жисмоний ва рухий чарчаганда, иш кобилияти пасайганда, юра ква кон томирлари фаолияти сусайганда, невроз, неврастения, психастения каби асаб касалликларини, жигар касалликларини даволашда кенг қулланилади.

Шу сабаб йиллар утган сари шифобахш усимлик «Ҳаёт илдизи» нинг шухрати ва шифобахшлиги алохидаги эътиборга олиниб доривор усимлик сифатида жойларда купайтирилиши зарурлиги жуда муҳим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Жабборова О.И., Абдуллаева М.А. Динамика показателей иммунного статуса и функции эндотелия у больных неспецифическим аорто-артериитом на фоне комбинированной терапии//Тиббиётда янги кун. Бухоро. 2/1(30/1) 2020. 131-133 бетлар
2. 3. O.I.Jabborova. Experimental Study of cellular-Antibody Response to hyaluronidase// The pharmaceutical and chemical journal, 2019. 6(2):81-83. 110-111 р.
3. O.L Jabborova. Репарация днк - жизненно необходимый и сложно регулируемый процесс//Science and world. International scientific journal. Volgograd. № 4 (80), 2020, Vol. II. 8-10 стр.
4. Жабборова О.И. Бухоро воҳаси хонқизи қўнғизлари: экологияси ва хўжалик аҳамияти. Тошкент: Наврӯз нашриёти, 2016. - 144 б.
5. Жабборова О.И. Ирсий хромосома касалликлари. Бухоро: МЧЖ, Шарқ-Бухоро, 2016. - 24 б.
6. Жабборова О.И. Экология асослари. Инсон ва биосфера. Бухоро: МЧЖ, Шарқ-Бухоро, 2016. - 24 б
7. Жабборова О.И. Паразитизм ва трансмиссив табиий манбали касалликларнинг биологик асослари. Тиббиёт протозоологияси. Бухоро: МЧЖ, Шарқ-Бухоро, 2016. - 25 б.
8. Жабборова О.И., Б.И.Жабборов Биология ўқув хонасининг тузилиши ва биология фанларини ўзлаштиришдаги аҳамияти. Бухоро: МЧЖ, Шарқ-Бухоро, 2016. - 76 б.
9. Жабборова О.И. Одам паразитлари биологияси. Бухоро: МЧЖ, Шарқ-Бухоро, 2016. - 20 б.
10. Жабборова О.И. Атлас биологии паразитов человека. Бухоро: МЧЖ, Шарқ-Бухоро, 2016. - 17 б.
11. Жабборова О.И. Экологик муаммолар, келиб чиқиши сабаблари ва уларнинг олдини олиш йўллари. Бухоро: “Шахзод - принт” ХК, 2017 йил. 34 бет.
12. Жабборова О.И. Замонавий педагогик технологиялар асосида тиббий биология фанини ўқитишини лойиҳалаштириш. “Шахзод - принт” ХК, 2017 йил. 52 бет.
13. Жабборова О.И. ДНК нинг оксил биосинтезидаги роли. Генетик инженерия Бухоро:МЧЖ Шарқ-Бухоро 2018 32 бет

14. Жабборова О.И. Ди ва полидурагай чатиштириш. Аллел булмаган генларнинг узаро таъсири. Бухоро МЧЖ Шарқ-Бухоро 2018 28 бет
15. Jumaeva Sh.B., Nuraliyev N.A. Quantitative characteristics of microorganisms in the surface water basin of the bukhara region // JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. Volume – 8_Issue-2_Iyul_2022. 70-75.
16. Jumaeva Sh.B. Study and analysis of the microbiological composition of open reservoirs // Galaxy international interdisciplinary research journal. 2023. 539-541.
17. Jumaeva Sh.B. Taxonomic composition and physiological activity of phytoplankton in biological ponds of the Bukhara region // Journal of Natural and Medical Education. Year 2023. 2835-303X.
18. Жумаева, Ш. Б. Куйимазор ва Тўдакўл сув омбори сувўтларининг таксономик хусусиятлари // Образование наука и инновационные идеи в мире. 2023. 70-73 б.
19. Jumaeva Sh.B. Taxonomic composition and physiological activity of phytoplankton in biological ponds of the Bukhara region // Journal of Natural and Medical Education. Year 2023. 2835-303X.
20. Жумаева, Ш. Б. (2023). КУЙИМАЗОР СУВ ОМБОРИ СУВЎТЛАРИНИНГ ТАСКОНОМИК ХУСУСИЯТЛАРИ. Лучшие интеллектуальные исследования, 8(2), 53-57.
21. Жумаева, Ш. Б., & Субхонова, Ш. Э. (2023). АМУ-БУХОРО МАШИНА КАНАЛИ СУВЎТЛАРИНИНГ ТАСКОНОМИК ХУСУСИЯТЛАРИ. World scientific research journal, 21(1), 53-56.
22. Жумаева, Ш. Б. (2023). ТЎДАКЎЛ СУВ ОМБОРИ СУВЎТЛАРИНИНГ ТАСКОНОМИК ХУСУСИЯТЛАРИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 33(1), 7-10.
23. Jumaeva, S. B. (2022). THE MAIN FEATURES OF PHYTOPLANKTON IN THE OPEN WATER BASINS OF BUKHARA AND NAVOI REGIONS. Globalization, the State and the Individual, 29(1), 104-112.
24. Жумаева, Ш. Б. (2022). МЕТОДЫ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКОЙ И ГИДРОБИОЛОГИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ ВОДНЫХ ОБЪЕКТОВ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В ПИТЬЕВЫХ И ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ЦЕЛЯХ. Актуальные вопросы экспериментальной микробиологии: теория, 70.
25. JUMAEVA, S. <http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss> Vol 2, Issue 2 2022.